

ЛАТИФ МАХМУДОВ



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
„Ёш гвардия“ нашриёти  
Тошкент - 1961

Латиф Маҳмулов — ёш ёзувчи. Қўлингиздаги бу китобда унинг болалар учун ёзган бир неча ҳикояси тўпланган. Болаларнинг соғлом ва ақлли, билимдон ва қобил бўлиб ўсишларида меҳнатнинг аҳамияти бу ҳикояларда анчагина қизиқарли ифодаланади.

Китоб ҳақида ўз мулоҳазаларингизни бизга, қуйидаги адресга ёзиб юборишингизни сўраймиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30, «Ёш гвардия» нашриёти.



### БОЧКА

Тўйчи шунақа. Бир нарсани сездими, бўлди. Ҳадеб сўрайверади-сўрайверади, бошингни қотириб юборади. Ҳаммасини билиб олгандан кейин икки-уч кун миқ этмай юради. Бир маҳал қарасанг, қилмоқчи бўлган нарсангни ўзи қилиб қўйган бўлади. Нега тайёрга айёр бўлдинг, десанг, гапингга жавоб ҳам бермай, кўзини лўқ этиб тураверади. Энди бир иш қиладиган бўлсам, унга сира айтмайман.

Кинодан келиб, бобомнинг болохонага осиб қўйган чармидан беркитиб бир парча қирқиб тушдим. Отхонага кириб ичидан занжирлаб олдим.

— Нима қивотсан, Рустам,— деди кимдир.

Ҳайрон бўлиб эшик тирқишиндан қарадим. Ариқ бўйида синглим Раъно мушукчасининг бўйнига лента тақиб ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Менга шундоқ туюлди шекилли, деб қўяқолдим. Қайчини олиб чармни қир-

қа бошладим. Бир нарса «тақ» этиб елкамга тушди. Қарасам — данак. Қулоғимнинг тагида кимдир ҳиринглаб кулгандек бўлди. Чўчиб бошимни кўтарган эдим, мўрининг оғзида Тўйчи мўралаб ўтирган экан.

— Нима керак сенга?

— Ҳи... ҳи... ҳеч нарса,— деди у тишининг оқини кўрсатиб.

— Нега бўлмаса бировнинг томида ўтирибсан.

— Ўтирсам, ейилиб қолардим?

— Бор-эй, сен билан айтишиб ўтираманми, — деб индамай ишимни қилавердим. У гапга солмоқчи бўлиб роса уринди, туршак ташлади, бир чўнтак данак ҳам бермоқчи бўлди. Барибир нима қилаётганимни айтмадим.

— Айтмасанг, айтмай қўяқол... Чармни қаердан олганингни биламан... Шошмай тур, бобонг келсин!

Самоварнинг олдида турган тарашадан олиб башарасига туширмоқчи эдим-у, бобомга чақишидан кўрқиб, лабимни тишлаб қолдим.

— Айтасанми?.. Учгача санайман... Кейин ўзингдан ўпкала. Бир...

Индамадим...

— Икки... и. У... у... у...

— Майли, туш, иннайкейин айтаман.

— Бобикни боғла. Ҳовлидан кираман.

— Ҳеч-да. Керак бўлса шу ердан тушавер.

— Мўридан-а?

— Эшикдан кирсанг, ойим кўриб қоладилар.

Бақрайиб қолганини кўриб, кулгим қистади.

— Сени қара-ю... Мен мўридан ҳар куни ўн марта чиқиб-тушаман-у.

— Сигмасам-чи.

— Сигасан. Тушавер... э, бўлсанг-чи, тушадиган бўлсанг, туш. Мен ҳам учгача санайман. Бир... икки...

Тўйчи кўрқа-писа оёғини мўридан осилтирди, сирғалиб туша бошлади. Белидан юқорига келганда тикилиб қолса бўладими. «Дод» деб юборди. Кўрққанимдан бирпас эсимни йўқотиб қўйдим. Ҳолсизгина осилиб турган иккита оёққа қараб дағ-дағ титрайман. Нима қилиш керак. Бурчакдаги бочкага кўзим тушиб қолди. Аранг думалатиб келиб тўнтардим. Устига чиқа солиб жон ҳолатда почасидан торта бошлаган эдим... шими сидирилиб тушди.

— Вей, нега шимимни ечасан?— У оёғини силкитиб бақира бошлади.— Ахир чўнтагимда каптарнинг тухуми бор... Синдирасан!

— Тухумингни бошимга ураманми? Нега додлайсан!

— Нега ўзинг мўридан туширдинг.

— Семизлигингдан тиқилиб қолсанг, мен айбдорманми? Оз.

— Осилма!.. Қўйвор мени, вой қўлим!..

Мен унинг оёғидан қаттиқ тортган эдим, «тап» этиб елкамга тушди. Иккаламиз йиқилиб кетдик. Тўйчи ўрнидан тура солиб шимини кийиб олди.

— Ҳой нима тўполон?— Ташқаридан ойимнинг товушлари эшитилди.— Нега эшик ёпиқ?.. Рустам, ҳо Рустам!

Тўйчининг мўридан тушганини билсаларми, роса гап эшитаман. Дарров сезадилар. Ахир афти қоп-қора куяку. Шундоқ билиниб турипти. Энди нима қиламан? Қалламга ажойиб бир фикр келди. Бочкани тўнтариб, ичига Тўйчини киргиб қўйдим-да, югуриб бориб эшикни очдим.

— Ҳа, нима бўлди?.. Ие, бочка нега ўртада қаққайиб турипти.

Шошиб қолдим.

— Ҳалиги... таги тешик экан, тузатмоқчиман.

— Тузатадиган одам эшикни занжирлаб тузатадими?.. Бу нимаси, бу кимники,— дедилар ердаги дўпини кўрсатиб. Бояги йиқилганида Тўйчиники тушган эканда.

— Бу... бу Тўйчиники...

— Ўзи қани?

— Ўзи... ана,— дедим бочкани кўрсатиб.— Ҳалиги... ҳи... Ичига кириб ёриғини кўряпти.

— Вой ойи... Тўйчи акам бочканинг ичида ўтирибдилар,— деб юборди Раъно мўралаб.

Ойим қошларини чимириб бирпас менга қараб турдилар-у, Раънони етаклаб индамай чиқиб кетдилар. Биладан: бир нарсага ишонмасалар, доим шунақа қиладилар.

Тўйчи бочканинг тагидан аранг чиқди. Ўнг қўли билан чап қўли кафтини чангаллаганича ўчоқ олдидаги тўнкага тумтайиб ўтириб олди.

— Ҳаммасини ўзинг бошладинг...— дедим ёнига чўк-

калаб секин. У жавоб ўрнига менга олайиб қўйди. Ик-каламиз ҳам анчагача жим қолдик.

— Нега индамайсан?

— Нима дей?

— Ўғрига ўхшаб бировнинг мўрисидан қарамаганинда шу ғалва йўқ эди... Ойимга айтдимми, энди нима бўлсаям бочкани тузатишим керак.

— Тузат...

— «Тузат» эмиш. Сенсиз ҳам биламан буни.

— Ҳа, бўлмаса менга нима дейсан? Мен тузатиб берайми?

— Э, тузатиб бер, деб сенга биров ялиняптими? Қўлидан келмайди дейсанми?

— Келса, қил.

— Қиламан,— дедим тутақиб.— Сенга ўхшаб мих қоқиш-у, арра тортишни ўрганадиган тўгаракка қатнамасам ҳам, тузата оламан. Жа билағонлигини пеш қивурма!

— Қим билағонлигини пеш қивотти.

— Сен.

Тўйчи дик этиб ўрнидан турди-да, югуриб чиқиб кетди. Аламимдан қўлимдаги болғачани улоқтирдим, йиғлаб юборай деб уйга кирдим-у, ўзимни таппа каравотга ташладим.

Бунақа пайтда иш қилиб бўладими! Тўйчи айбдор бунга. Унга нима, чиқди-кетди. Ҳозир маза қилиб қин тикаётгандир, муғомбир. Уни деб сичқон ғалвир қилиб ташлаган қаёқдаги бочкани тузат энди...

— Рустам, нега ётибсан, чой ичмайсанми?— Нариги уйдан ойимнинг товуши эшитилди.—Аданг келдилар, чиқ.

— Нима, тоби йўқми? — хавотирланиб сўрадилар адам,— эрта ётипти.

— Йўғ-э, кун бўйи бочка тузатди, чарчагандир-да.

— Э, шундоқ де... яхши... Кечаги шолини ўшанга солақол. Қоп бировники эди...

— Сабр қилинг... Битсин аввал...

Буни эшитиб, бир аламим минг бўлди. Ирғиб ўрнимдан турдим. Ҳозир бўлган гапни бирма-бир айтиб бераман. Тўйчини ҳам... Йўғ-э, адам шундоқ суюндиларку, ойим халақит бермай, деб овқатни ҳам ҳовлида қилдилар. Бочкани тузатмасам бўлмайди. Шунга ҳам ташвишми? Бир ҳаракат қиламан, битади-қўяди. Темирни бўшатиб, тагидаги тахтасини янгиласам бўлди-да.

2 Чойимни ичиб ошхонага кирдим, эшикни занжирлаб яна ишга киришдим. Болға билан темирига бир урган эдим, тўкилиб тушди. Остидаги тахтани олиб катта оқ картонга қўйиб ўлчадим. Кейин ўтган йили адам пол учун келтирган энли, силлиқ тахтанинг битгасини суғуриб олиб, тўрт бўлак қилиб қирқдим-у, иш тўхтаб қолди. Битта теша билан нима қилиб бўларди. Ўйлай бошладим...Тўйчида бор, сўрасаммикин?.. Йўғэ, ялина-япти, деб ўйлайди у.

Нима қилишимни билмай, ҳовлига чиқдим, ошхонага кирдим. Ҳеч бало ўйлаб тополмадим. Тўйчи билан ўзимиз ясаган телефонда гаплашмоқчи ҳам бўлдим. Кейин Раъно эсимга тушиб қолди. Иккита суратли китобча бериб алдай бошладим.

— Менга қара, Раъно, сенга-чи, яна китоб бераман, хўпми.

— Хў-ў-ў-п.

— Ҳм... Бир нарса айтсам, қиласанми?

— Қиламан...

— Юр.

Телефон қилдим. Тўйчи, «алло-алло» дейиши билан телефон қулоғини Раънога тутдим.

— Ма, адам рандайизни бериб турсин дедилар, дегин.

— Ма, адам рандайизни бериб турсин дедила... Рустам акам.— овозининг борича бақирди Раъно.

Жон-поним чиқиб кетди:

— Ўл, дедила!

— Ўл, дедила,— деб юборди Раъно кўзини мендан узмай. Ҳаммасини расво қилди. Эси паст қиз! Еш бола бир ишга аралашдим, бузмай қўймайди. Қўлидан телефонни тортиб олиб илиб қўйдим.

Қайтиб ошхонага кирдим. Шу топда бочка кўзимга бало бўлиб кўринди. Ўрнимдан туриб, тепиб юборгим келди... Ўтирдим. Ўйлай бошладим. Қанча ўтирганимни билмайман. Бир маҳал мўридан аллақандай тугунча тарақ этиб тушса бўладими. Қўрққанымдан ўрнимдан туролмай қолдим. Кейин, жуда анчадан кейин ўзимга келиб, секин бориб тугунни очдим. Очсам... ранда, мих, искана. Ҳеч нарсага тушунмадим.

Бир маҳал эшикдан Тўйчининг ўзи кириб келди. Кўриниши анча жиддий эди. У худди ҳеч нарса билмагандай, бепарволик билан рандани қўлига олди. Тахталар-

ни силлиқлай бошлади. Мен ушлаб турдим. Иккаламиз ҳам гапиришни хоҳлардик-ку, лекин нимадир халақит берарди. Ним қовонғи бўлса ҳам унга тик қарашга ботина олмасдим.



— Елимнинг борми?— деб сўради Тўйчи менга қарамай.

— Қанақа елим?

— Елимдақа елим-да. Тахта-ларни бир-бирига елимлаш керак. Бўлмаса бўлмайди.

У бир этиб уйдан пачоқ консерва банкада елим ҳам олиб чиқди...


Бочкани тузатдик. Шолини унга ағдариб, қопни бўшатиб қўйдик. Буни кўриб адамлар, эртасигаёқ асбоб-ускуна олиб бермоқчи бўлдилар.

— Менга қара, Тўйчи, бир иш қиладиган бўлсак, давай, бирга қиламиз-а. Хоҳласанг-чи, эртагаёқ қин тикишни ўргатиб қўяман. Келасанми?


— Майли,— деди Тўйчи.

Тўйчи асбобларини йиғиштириб, қўлтиғига қистириб олди. Худди қизиқ бир гап айтмоқчи бўлгандек, лабини қимтиб жилмайди, эшик олдида тўхтаб, менга ўгирилди.

— Келаман-у... лекин у ердан эмас,— деди мўрини кўрсатиб...— Эшикдан. Хўпми?







### ТЕКШИРИШ КЕРАК

Ҳали дарс бошланишига ярим соат бўлишига қарамай, синф болалар билан лиқ тўлган эди. Болалар ўрталарида тўрт бўлиниб йиртилган деворий газетани ўраб олишиб, жим туришарди. Ҳамма ҳайрон: ким йиртдийкин-а?

— Буни танқид қилинганлардан бири йиртган.

— Рост...— деди Раҳмат.

Газетада нон кавшаб ўтирадиган Асқар-у, синфда ланка ўйнайдиган Турғун танқид қилинган эди. Қайси бири йиртган экан? Насиба пешонасини ушлаб, яна ўйлай бошлади.

— Асқар йиртмаган бўлса керак,— деди жимликни бузиб Раҳмат.— Бўйи етмайди, пакана-ку у.

— Балки стул қўйиб чиққандир?

— Йўғ-э.

— Қаердан биласан, ахир?..

— Тўхта-тўхта,— деди Раҳмат.— Биласанми, буни Турғун қилган. У ҳаммадан новча. Кеча, газетани ишлаётганимда эшикнинг орқасида хўмрайиб турган эди.

Насиба, рости, дегандек Раҳматга қаради.

— Боплаб таъзирини бериш керак,— деди кимдир,— зўр бўлса ўзига, қачонгача чидаймиз!

— Тўғри,— унга қўшилди Жамила, Турғуннинг партасини кўрсатиб.— Манавини қаранглар, ҳамма ёқни ўйиб ёзиб ташлаган.

Болалар Жамила кўрсатган партани ўраб олишди. Ҳақиқатан ҳам партанинг икки четига қаламтарош билан ўйиб «Т», «К» деб ёзилган эди.

Насиба титраб кетди.

— Уялмайсанми, Жамила? Нега бир партада ўтириб, шуни айтмайсан!

— Ҳо, керак бўлса, ўзинг айт. Менинг калтак егим келаётгани йўқ.

Шу маҳал тарақлаб дераза очилди. Ҳамма орқасига қаради. Ичкарига тумшуғи тор чарм ботинка қирди, кейин Турғуннинг тиржайган юзи кўринди. Жамила лип этиб Раҳматнинг орқасига ўтиб олди:

— Синфнинг эшиги йўқми? Ойнадан ошмасанг,— деди у Раҳматнинг елкасидан бошини чиқариб.

Турғун партадан бир ҳатлаб Жамилага яқинлашди.

— Нега газетани йиртдинг,— деди Насиба Турғунни тўсиб. Турғун Насибанинг сочига қўл чўзган эди, Раҳмат унинг қўлини маҳкам ушлаб олди.

— Сендан сўраяпти!

Турғун ер остидан Раҳматга бир олайиб қўйди:

— Нега танқид қилади бўлмаса?

— Ўзингдан кўр,— деди Насиба.— Ноҳақ танқид қилибманми?

— Ноҳақ, ноҳақ, мен атиги уч марта дарсдан қочганман. Сен бўлсанг, доим шунақа қилади, деб ёзибсан.

— Папирос чекканинг ҳам ёлғонми?

— Ёлғон.

— Буни мен ҳам кўрганман. Рост!

Синфга ўқитувчи кириб келди. Ҳамма тинчланиб, болалар жой-жойига ўтира бошлади. Турғун Насибанинг олдидан ўта туриб, тишини ғижирлатиб қўйди:

— Шошмай тур, типратикан.

Турғуннинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб турган ўқитувчи шошмасдан йўқлама қила бошлади. Кейин синф журналин аста ёпиб, бир четга олиб қўйди.

да, синфга назар ташлади. Ҳар куни хурсанд ўтирадиган болалар бугун, негадир, қовоқлари солиқ.

— Нима гап ўзи?— деб сўради ўқитувчи.

Болалар воқинани гапириб беришди.

— Қилаётган ишинг пионернинг иши эмас. Мен сенинг шунақа эканлигингни билмаган эканман,— деди ўқитувчи Турғунга ва болалардан сўради:— Энди нима қилмоқчисизлар?

— Эртага отряд йиғилишида муҳокама қилмоқчимиз,— деди Насиба ўрнидан туриб.

— Жуда яхши. Мени ҳам чақиринглар. Синф раҳбари сифатида мен ҳам кирай.

Эртасига тўсатдан Насиба мактабга келмади. Отряд советининг раиси йўқлиги учун йиғилиш кейинга қолдирилди.

Дарсдан кейин болалар залда шахмат турнирида қатнашаётган эди, Жамила келиб қолди.

— Бордингми,— Раҳмат шошиб-пишиб сўради,— нима гап?

— Қасалхонада эмиш.

Болалар Жамилани ўраб олишди.

— Уша куни Насиба папкасини қозикқа илиб, бирпас дам олмоқчи бўлиб каравотга ётибди. Энди кўзи илинган экан, нимадир шитир этибди. Кўзини очиб қараса, папкасининг ичидан буралиб-буралиб илон чиқиб келаётган эмиш. Насиба дод демоқчи бўлибди-ю, овози чиқмапти. Илон бўлса тап этиб шундоқ ёнига тушибди. Шундан кейин... шундан кейин гапиролмай қолибди.

— Йўғ-э...—Раҳматнинг оғзи очилиб қолди.—Ростданми?... Шу ростми-а?

Орага жимлик чўкди. Бурчакда турган Турғун қўлидаги болғачани тушириб юборди. Ҳамма чўчиб унга ўгирилди. У совуқда қолган боладек дағ-дағ титрар, юзи бўздек оқариб кетган эди.

У бирдан отилиб ташқарига чиқиб кетди. Болалар унинг кетидан қараб қолишди...

Эртасига Раҳмат билан Жамила касалхонага боришди. Эшик олдида ўтирган кампир икковига ичкаридан бир жуфт халат олиб чиқди:

— Манавини елкаларингга солиб олинглар. Хув, тўғридаги палатада. Узоқ ўтирманглар, хўпми?

Жамила палата эшигини очиши билан Насиба югу-

риб чиқди. Иккала дугона қучоқлашиб кўришишди. Раҳматга қўл узатди.

— Соғайиб қолдингми? Қачон чиқасан?— деб сўради Раҳмат.

Жамила унинг биқинига туртиб шивирлади:

— Эсингни едингми, қанақа қилиб гапирлади?

Раҳмат қизариб кетди. Шошганидан олиб келган «Ўн беш ёшли капитан» китобини Насибага узатди. Насиба китобнинг у ер-бу ерини варақлаб қайтиб берди. Кейин халатининг ён чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, алланарсаларни ёзди-да, Раҳматга узатди.

«Ҳали Турғун тўртта китоб ташлаб кетди. Шунинг ўзи етади...»— овозини чиқариб ўқиди Раҳмат. Кейин ажабланиб Жамилага қаради. Жамила ҳам бу гапдан ҳайрон бўлиб қолган эди.

Улар Насибанинг олдидан чиққанларида қоғозга ўралган алланарсани қўлтиғига қистириб касалхонага шошилиб кириб кетаётган Турғунни кўришди. Раҳмат уни чақиртирмоқчи бўлган эди, Жамила, қўй, деб тўхтатди. Насибанинг касалидан кейин болалар Турғунни мактаб ҳовлисида кам учратадиган бўлиб қолишди. У илгаригидек қизларнинг сочидан тортмас, ҳатто танаффусда ҳам ташқарига чиқмай, бир нуқтага тикилганича нималарнидир ўйлаб ўтирарди. Кеча Жамила унинг қошлари ўртасига тушиб турган сочидан тортди: «Тартибли бўлиб қолибсанми», деган эди, Турғун ҳатто уялиб қизариб кетди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир куни дарс энди бошланганда югуриб Турғун кириб келди. У чопганиданми ё қаттиқ ҳаяжонланганиданми тез-тез нафас оларди.

— Насиба гапирди, ўз қулоғим билан эшитдим...— у ҳолсизланиб эшикка суянди,— ўша ердан келяпман... Эртага... эртага... мактабга бораман, деди.

Шу топда Турғун Жамиланинг кўзига жуда яхши кўриниб кетди.

Ўқитувчи секин ўрnidан туриб Турғуннинг олдига борди:

— Раҳмат. Бу хабаринг билан ҳаммамизни хурсанд қилдинг,— деди. Кейин болаларга қараб жиддий қўйиб қўйди:— Ҳар ҳолда тирик бурчакдаги сув илони қандай қилиб Насибанинг папкасига кириб қолганини аниқлаш керак.



### ТОЙЧА

Шокирникига чиқсам, у диванда ағанаб ётган экан. Кўкрагида аллақандай китоб. Секин бўйнимни чўзиб қардим: «Мюнхаузеннинг бошидан кечирганлари». Кулиб юборишимга сал қолди. Шокир ҳам қизиқ. Қаёқдаги чўпчакларни ўқийди-да, доим шунақа хаёл суриб ётади. Бўлмаса кеча ўзи айтган-а, «тушга яқин чиқ, тайёр бўлиб тураман», деб.

— Сени қара-ю, бунақа чўзилиб ётишингни билганимда, ўзим кетаверардим.

Шокир лип этиб ўрнидан турди.

— Эҳ... Вали, бир ажойиб китоб ўқидим...

— Бўлди, борасанми-йўқми,— дедим тутақиб. Қўйиб берса, ҳаммасини гапириб беради. Чўпчак эшитишга кимда вақт бор!

Шокир апил-тапил кийина бошлади.

— Сен кўчага чиқиб тур, дарров кетингдан чиқаман. Кўчага чиқдим. Хиёл ўтмай Шокир кўринди.

— Юр.

— Олдингми?

— Бўлмаса-чи, мана,— Шокир пахталигини ечиб кўрсатди.— Ойимнинг кир иладиган арқонини белимга боғлаб олдим. Барибир ҳозир керак эмас-у. Кечқурун яна тортиб қўяман.

Кетдик.

Келсак, Қобул бобо отларга ем солаётган экан. Қараша бошладик. Шокир бир тўрва емни олиб, бурчакдаги панжара ичида гижинглаётган тойга солмоқчи бўлган эди, Қобул бобо тўхтатди.

— Менга берақол,— деди тўрвани олиб.— Ҳуркитиб юборасан. Шарпага булутга сапчийди. Асов-да, қўлга ҳеч ўрганмади-ўрганмади.

«Ўша», деди Шокир қулоғимга пичирлаб. Қарадим... Тоймисан — той. Пешонасида шапалоқдек қашқаси ҳам бор. Қулоқларини диккайтириб олов кўзлари билан бир қаради-да, олдинги икки оёғини кўтариб пишқирди. «Ўзиям-чи, пойгада биринчиликни олади, ҳа,— шипшиди яна Шокир.— Кеча раис, «Қирдаги йилқиларга қўшиб юбора қолинг, барибир қўлга ўрганмайди», деб Қобул бобога тайинлаб кетди».

— Йўғ-э.

— Рост...

Ташқарига чиқдик.

— Ҳўп ажойиб той-да, Қобул бобо,— дедим,— қўлга ўргатиб, пойгага қўйса, ҳаммасини ярим йўлда қолдириб кетса керак-а.

Қобул бобо соқолини тутамлаб, Шокир билан менга бир қараб қўйди-ю, ўсиқ қошларини чимирди.

— Зумрашалар, тойга қанд бериб юрганмишсанлар.

— Йўғ-э...

— Йўғинг нимаси. Матқовул ўз кўзи билан кўрипти.

Лабимни тишлаб қолдим. Негаки, ўтган куни Шокир билан чойхоначидан насняга икки чақмоқ қанд олган эдик. Ушанда чойхоначи: «Кўпроқ олаверинглар, ҳисоб-китобни дадаларингиз билан қиламан» деганда, Шокир: «Уйда қанд кўп, буни тойга оляпмиз», деб оғзидан илиниб қолганди.

Секин Шокирга қарадим.

— Тойга деб, ўзимиз олиб еган эдик, Қобул бобо,— деди Шокир. «Хайрият» деб қўйдим ичимда. Қобул бо-

бо ўсмоқчилаб «чойхоначи қўрипти» деган эканми, Шокирнинг гапига ишона қолди.

— Тағин, бор-йўғимда олдига яқинлаша кўрманглар. Минакўрманг, молхонанинг томига улоқтириб ташлайди.

— Йўғ-э...жинни бўлибмизми,— деди Шокир секин.

— Ҳар куни шу... Тушда келиб молхонага қараб турамиз. Қобул бобо уйига бориб, бемалол овқатланиб келади...

— Қобул бобо кетиши билан бир оз ўзимга келдим.

— Қўлга тушай дедик-а, Шокир.

— Бе, бунақа иш хавф-хатарсиз бўлмайди,— деди Шокир белидаги арқонни ечиб.— Бошлаймизми?

— Майли...

— Ма, арқоннинг бир учини ушла, бир учини тойнинг бўйнига солиб чиқаман.

Шокир ичкарига кириб кетиб, анчадан кейин чиқди. Докадек оқарган юзидан, қўлларининг қалтирашидан кўрққанлиги кўриниб турса ҳам, сездирмай илжайди:

— Асов деганча бор, бўйнига арқон солдиргунча ярим чўнтак қандимни еди... Қани, арқонни белимга боғла.

— Нега... Қозиқ-чи.

— Бўлсанг-чи... Вақт ўтмасин. Ҳа-ҳа... Маҳкамроқ. Э, жуда сиқиб юбординг-ку, нафас ололмаёпман. Бўлди, бор. Тойни ҳайдаб чиқ. Мен шу ерда тураман.

Ичкарига кирдим. Панжаранинг эшигини очдим. Орқага ўтиб хипчин билан той яғринига бир туширган эдим, ўқдек отилиб ташқарига чиқди. Той эшикка чиқди-ю, қаёққа боришини билмай, ҳовлининг ўртасида туриб қолди.

— Вали, нимага қараб турибсан?— Шокирнинг жиғи бийрони чиқиб кетди.— Ур!

— Эсинг жойидами, сени судраб кетади.

— Мени-я. Ана холос. «Мюнхаузен»ни ўқимаганлигинг шу ердан билиниб турибди. Бунақа ишга юрак керак, оғайни,— керилиб қўйди у.— Қани, бўл. Югуриб-югуриб ҳовуридан тушади. Яна жойига киргизиб қўямиз.

Қамчи тортдим. Той Шокирни гир айланди-ю, далага отилди. Шокир гандираклаб думалади. Той олдинга

интилиб, бор кучи билан уни судраб кета бошлади. Мен бақрайганча ерга ўтириб қолдим.

— Вали, Вали, қаёқдасан?

Тура солиб кетидан чопдим. Юз метрча югуриб Шокирга етиб олдим. Ўзимни устига ташлаб, арқонга ёпишдим. Икки кишини судраш тойга оғирлик қилди шекилли, чирана-чирана тўхтади.

— Менга қара, Шокир, ке, яхшиси белингдаги арқонни ечиб юбора қолай, отхонага ўзи қайтиб борар.

— Қирмаса-чи.

— Қирмай қаерга борарди.

Шу пайт тортилиб, таранг бўлиб турган арқон бўшагандай бўлди. Секин бошимни кўтариб қарасам, той бизга қараб келяпти. Жон-поним чиқиб кетди. Шокирни маҳкам қучоқлаб, кўзларимни юмиб олдим.

— Ҳозир ўчини олади биздан,— дедим қўрқиб.— Ҳаммасига сен айбдорсан. «Ўргатамиз», «Пойгада қатнашамиз». Мана энди!

— Э, нима девурасан, маза қилиб «Мюнхаузен»ни ўқиб ётган жойимдан ўзинг олиб чиқдинг-ку!


— Нега бўлмаса кеча, уйга кир, деб ялиндинг?

— Жимсанг-чи.

Той тепамизга келиб тўхтади. Гижинглаб пишқирди.

— Тура қоч,— деб шивирладим.— Кетингдан югураман.

— Аввал сен туриб қоч, оёғим қалтираб кетяпти.





Анчагача юзимизни ердан кўтармай ётдик. Хийла ўтгач, той энгашиб, Шокир билан мени бир искади-да, яна гижинглади. Бир кўзимни секин очиб қарасам, тепамизда бошини эгиб турибди.


— Баравар турамиз, хўпми, Вали.

— Хўп.

- Секин турдик. Йўқ. Той бошини бир-икки иргитиб қўйди-ю, жойидан қимирламади. Шокир чўнтагидан қанд олиб тутди. Той Шокирнинг қўл чўзаётганини кўриб, орқасига тисарилди-ю, бироқ қандга кўзи тушиб, бўйинини чўзди.

Шокир билан олдинма-кетин кета бошладик. Той ҳам орқамиздан юрди. Отхонага кирди. Аранг панжарага қамаб, қайтиб ташқарига чиқдик.

— Ие, арқонни бўйнидан ечмабмиз-ку,— деб, Шокир югурганича ичкарига кириб, дарров қайтиб чиқди.— Ечгани юрагим бетламаяпти, энди сен кир.



Узоқдан Қобул бобо кўриниб қолди.

— Қўлга тушдик. Бутунлай ҳайдаб юборади энди.

— Ваҳима қилма,— деди Шокир арқоннинг учини ичкарига улоқтириб, эшикни зичлаб ёпди-да, остонага ўтириб олди.

— Ҳа, азаматлар, ўгирибсизларми, баракалла-баракалла. Ие, Шокирвой, нега ҳамма ёғинг қор.

— Ҳи... ҳалиги, Вали билан қорбўрон ўйнадик.

— Шунақами?.. Қани, бундоқ қил-чи...

Қобул бобо отхонага кириб коржомасини кия бошлади.

— Шокир, ҳо Шокир, манави арқонми? Нега ерда ётибди?

Қўрқа-писа отхонага кирдик. Қобул бобо арқонни тортган эди, той кишнаб юборди.

— Бу нимаси? Сенлар боғладиларингми?

— Ҳа, ҳалиги... той ҳадеб панжарадан бўйнини чиқариб қарайверган эди, кочиб кетмасин деб...

— Боғлаб қўйдик,— дедим Шокирни гуртиб.

— Ҳа, ҳа, боғлаб қўйдик.

Қобул бобо тойнинг бўйнидан арқонни ечиб, олдимизга улоқтирди.

— Жўна икковинг ҳам,— деб бақириб берди у.

Иккаламиз арқонни ташлаб қочдик.

— Яхши бўлмади,— деди Шокир ярим йўлда,— юр, бориб узр сўраймиз.

— Эртага борсак-чи, унгача Қобул бобо жаҳлидан тушиб қолар.

— Тўғри айтасан,— Шокир хўрсиниб қўйди.— Той анча ўрганиб қолувди-да, ишимиз чала қолди.

— Қўявер,— дедим унга далла бериб,— барибир эртага келамиз. Адам, одам бир ишни бошласа, охиригача етказиши керак, дейдилар.

— Менинг адам ҳам,— деди Шокир ёришиб.



## Ч И Н О Р

Анҳор ёқасида бир туп чинор бор. Еши 300 дан ошган. Шохлари ён-атрофига тарвақайлаб кетганидан узоқдан худди баҳайбат зонтикка ўхшайди. Тагидач қараган одамнинг дўпписи тушиб кетади, шунақа катта. Бироқ, ичи ковак. Ичида илон бор дейишади. Ёлғон. Ўтган йили Салим бобонинг йўқлигидан фойдаланиб, Шокир билан бирга ичига тушиб кўрганмиз, илон тугул чувалчанг ҳам йўқ. Салим бобо ким дейсизми? Қўшни-миз. Эрталабдан кечгача олдига бир чойнак чой қўйиб олиб, чинорнинг тагидаги супачада ўтиргани-ўтирган. Қоронғи тушганда ҳам супани кўзи қиймагандек уйига зўрға кириб кетади. Тунов куни Шокир галати гап топиб келди. Салим бобо кечқурун чинорнинг тагида овқатланибди-ю, дарахтга суяниб ухлаб қолибди. Шокир азонда чиқиб қараса, яна ўша ерда ўтирганмиш.

— Бунда бир сир бор,— деди Шокир шубҳаланиб.— Бўлмаса чинорни пойлаб нима қилади? Хўш?

— Қизиқмисан! Нима «хўш»? Ўзи, шундай. Биласан-ку, ҳеч кими йўқ, ёлғиз бўлгандан кейин зерикади-да. Супачада ўтириб, ўтган-кетганини кўриб овунади.

— Биларкансан. Дадам доим: «Бу чинорнинг тагида катта тарих ётибди», дейдилар.

— Ётса нима қилибди.

— Ҳамма гап шунда-да!

— Нимада?

— Бир нарса айтсам, ҳеч кимга айтмайсанми?

— Йўқ.

Шокир ён-верига аланглаб, қулоғимга пичирлади:

— Уша... Дадам айтган тарих супачанинг тагида!

— Нима, нима?

— Ҳа. Ишонавер. Нега бўлмаса супачани суваб берайлик деганимизда қўл тегиздирмади?! Нега бўлмаса супачага ҳеч кимни йўлатмайди? Қани, айт-чи! Балки ўша тарихни тополмай қанчадан-қанча олимлар овора бўлиб юришгандир. У бўлса тагига босиб ўтирибди!

Шокир қўлини силтаб қўйди, хаёлга толди. Анчадан кейин худди ўзига-ўзи гапираётгандек деди:

— Менга қара, Вали... Ке, шу тарихни биргалашиб очайлик-а? Кўрасан. Имтиҳондан ҳам беш олардик. Тарих ўқитувчиси сўрамай қўйиб берарди. Ҳамма катта олимлар-чи, ернинг тагидан бирон нарса топиб олим бўлишган. Китобда ўқиганман. Балки биз ҳам ўшанақалардан бўлиб кетармидик-а?

— Қани энди,— деб юбордим Шокирнинг гапидан таъсирланиб.— Бироқ... қийин...

— Нега қийин бўларкан?

— Кундуз куни доим Салим бобо ўтиради. Супачанинг олдига боролмаймиз-да. Кечқурун сени ҳам, мени ҳам уйдап чиқаришмайди.

— Э... бу ёғини қўявер. Хўп десанг, бас. Бу ёғини ўйлаб қўйганман.

Иккиланиб қолдим. «Хўп» десам, негадир кўнглим чопмай турибди. «Йўқ» десам, Шокирнинг вазоҳатидан ҳақиқатан ҳам супанинг тагида кутилмаган бир нарса бордек. Ке, нима бўлса бўлар, деб рози бўлдим. Шокир ўйлаб қўйган фикр қўлай, ҳам осон экан. Чинор боғимизнинг орқасида. Деворнинг тагидан 3—3,5 метр тешилса шундоқ Салим бобо ўтирган супачанинг тагидан чиқиш мумкин. Яхши томони шуки, буни ҳеч ким, ҳатто Салим бобонинг ўзи ҳам сезмайди.

— Борди-ю, ҳеч нарса топилмаса, яна ўзидек қилиб кўмиб қўяколамиз, вассалом,— деди Шокир.

Шокир уйдан сопи калта бел олиб чиқди. Ишга киришдик. Икки кунга мўлжалланган ишимиз беш кунга чўзилиб кетди. Ниҳоят бешинчи куни супанинг тагига етганимизда бир нарса ўйлатиб қўйди: бел урганимиз эшитилиб қолмасмикин? Яхшиси, Салим бобонинг овқатлангани кириб кетишини кутиб туриш керак. Шокир деворнинг тагида энгашиб турди. Устига чиқиб, кўчага мўраладим. Кўчада ҳеч ким йўқ. Фақат Салим бобо одатдагидек супачада кўзига ойнаж тутиб, арабча ёзилган аллақандай китобни ўқиб ўтирибди. Ҳар варақлаганда олдидаги чойдан бир хўплаб қўяди. Пастга тушдим. Унинг ҳали-вери туриб кетмаслигига ишониб, чой ичиб келгани кетдик. Анчадан кейин қайтиб келиб девордан қарасак, Салим бобо йўқ. Ғорга кириб қазий бошладик. Шокир қазилган тупроқни чиқариб бериб турди. Мен ташқарида уни шоша-пиша тита бошладим. Бироқ, ҳеч бало кўринмасди. Битта чириган ошиқ чиқди. Шу. Бир маҳал кўча томондан «гуп» этган товуш эшитилди. Шокир ғордан югуриб чиқди. Боши, юз-кўзи тупроқ. Ранги ўчиб кетибди.



— Супа ўпирилиб кетди, зўрға қочиб қолдим, — деди у энтикиб. Мен лип этиб деворга чиқиб, кўчага қарадим. Супа йўқ. Упирилиб тушибди. Урни каттакон ўра бўлиб ётибди. Яхшики, Салим бобо ҳали уйдан чиқмаган экан. Бир оз ўзимга келиб қайтиб пастга тушдим.

— Нима қилиб анқайиб турибсан, — деди Шокир бўғилиб. — Биров кўриб қолмасдан кўмиб қўямиз!

— Кўча-чи?!

— Кўча? Э, кўчани қўявер! Сув ер тагини ўйиб чўктириб юборган деб ўйлашади.

Шоша-пиша ғорни кўма бошладик. Кўмиб бўлиб сув сепдик. Шиббаладик. Урикнинг тагида ётган каттакон тўнкани думалатиб келиб устига босиб қўйдик. Шокир тўнкага чиқиб кўчага қаради. Оғзи қулоғига етиб, мени имлаб чақирди. Ёнига чиқдим. Салим бобо уйдан келаётган экан.

— Эй, ҳозир довдираб келиб, супачага ўтираман, деб ўрага тушиб кетса-я, — деди Шокир ҳиринг-ҳиринг ку-

либ. Юрагим шув этиб кетди. Бироқ Салим бобо чинордан ўн-ўн беш қадам нарида, анҳор бўйида ўрани кўриб қолди, тўхтади, энгашди, ҳассасига таяниб худди сурат олдираётгандек қимир этмай туриб қолди. Анчадан кейин бошини кўтарган эди, кўз олди жимирашиб кетди-ми, ойнагини олиб артмоқчи бўлганди, қалқиб кетиб, анҳорга тушириб юборди. Қалтираб анҳор ёқасига чўккалади. Енгини шимариб, ойнагини қидира бошлади. Бироқ, чуқур эканми, қўлни тортди олиб, ҳассасини сувга тикиб кўрди. У ҳам етмади. Ойнак тушган ер анҳорнинг тезоқар жойи бўлганидан аллақачон оқизиб кетган эди. Салим бобо сувга мўлтираб қолди. Шу ўтирганича ярим соатдан кўпроқ ўтирди. Кейин секин ўрнидан турди. Чинорнинг тагига бир қараб олиб қоқила-қоқила уйига кириб кетди. Шокир ҳам, мен ҳам жуда ғалати бўлиб кетдик. Тўнқадан тушдик. Боғнинг бир четига бориб, бир-биримизга қараб сўзсиз ўтириб қолдик. Шокир тиззасини қучоқлади. Бошини қўлларининг устига қўйиб, хаёл суриб кетди.

Салим бобонинг сувга



мўлтираб ўтиргани, бутун воқна кўз олдимдан ўтди-ю, томоғимга бир нарса тикилгандек бўлди. Энтикиб кетдим.

- Нима қилиб қўйдик-а, Шокир?
- Кўзойнаги тушиб кетса биров айбдорми?!
- Бечорага қийин бўлди. Мен аҳмоқ ҳам сенинг гапингга лақиллаб ўтирибман.

— Биров сени мажбур қилганмиди?!  
— Мажбур қилгандан бадтар қилдинг-ку!  
— Нима қипман?  
— Тағин нима қипман дейди-я! Ким бошлади шу ишни, қани айт!  
— Нега ўзинг кўндинг? А? Кўнмаганингда, мен ҳам... балки шу иш бўлмас эди. Ундан кўра ҳеч ким билмаганига суюн!

— Сен суюн! Нега мен суюнар эканман!  
— Бўлмаса, Шокир қилди, деб бориб айт!  
— Керак бўлса айтаман!  
— Бор-бор, кўчага чиқиб бақир! Овозинг борича бақир, тушундингми!

Шокир тўсатдан ҳўнграб юборди, бўшашиб кетдим. Ёнига ўтиб, секин елкасига қўлимни қўйдим.

— Қўй, Шокир... нима қиласан йиғлаб? Ахир, яхши иш қилмадик-да.

— Ўзим ҳам... биламан буни,—деди у енги билан ёшларини артиб.— Нима, мен шунақа бўлсин дебманми?

— Менга қара... Шокир, ке, бир қараб кўрайлик.

— Нимани?

— Ойнакни-да. Зора илдиз-пилдизга илиниб қолган бўлса. Хўп суюнарди-да, нима дейсан?

— Юр!— Шокир дик этиб ўрнидан турди. Ойнак қидириб кечгача анҳордан чиқмадик. Бироқ, топилмади. Дийдираб кетганимиздан кейин ноилож уй-уйнимизга кетдик. Уйга кириб хаёлимни чалғитиш учун «Ўн беш ёшли капитан»ни ўқий бошладим. Бўлмади. Барибир миямга ҳеч нарса кирмади. Ҳар куни эшикдан кулиб, ҳазиллашиб келадиган дадам ҳам бугун негадир хомуш кириб келдилар-у, наридан-бери овқатланиб, яна чиқиб кетдилар.

— Валижон, ўғлим, овқатингни еб тургин,— дедилар ойм.— Салим бобонг йиқилиб тушибди. Ётганмиш. Бечора. Даданг доктор чақиргани кетди. Шу ош совуб қолмасдан олиб бориб, бир кўриб чиқай.

Ойимнинг гапи ҳўшимни учириб юборган экан, кўча эшикнинг «тақ» этиб ёпилишидан чўчиб, ўзимга келдим. Ойимнинг кетидан югурдим. Бироқ кўчага чиқмасдан бошим айланиб кетди-ю, орқамга қайтдим.

Эрталаб Шокир чиқди. Рангини кўриб қўрқиб кетдим. Сап-сариқ. Кўзлари ич-ичига тушиб кетибди.

-- Касалмисан?

— Йўқ. Кечаси билан биттаям ухлаганим йўқ,— деди у,— тушимда Салим бобо, ойнагимни тўла, деб чиққанмиш.

— Салим бобо... ойнаксиз қоқилиб тушибди, эшитдингми?

— Ҳа.

— Менинг дадам кечаси билан ўша ерда қолдилар.

— Менинг ойим тунги навбатчиликдан ҳозир келдилар. Эшитишлари билан қараб тургани чиқиб кетдилар.

— Ухламай-а.

— Ҳа.

— Даданг индамадиларми?

— Йўқ. Қайтага: «Сенинг шу одатингни яхши кўраман», деб ёнимни олдилар-у.

— Шокир... Шу дейман, кўзойнаксиз роса диққина-фас бўлиб кетгандир-а. Биз ҳам кўриб чиқсак бўларди. Утган йил мен касал бўлганимда бир шода тешик кулча олиб чиққан эди.

— Мен касал бўлганимда-чи, хўрда оши қилиб берган. Бирам мазали бўлгандики... Ушанда ойим билан дадам командировкада эди. Агар... дурбинимнинг бир кўзи синиб қолмаганда, ўлай агар, олиб чиқиб берардим. Деразадан кўчага қараб ётарди.

— Барибир олмас эди. Чол одамга дурбиндан ойнак яхшироқ.

— Рост. Ойнак яхшироқ,— гапимга қўшилди Шокир.— Хўп десанг, қуён оламиз деб йигиб юрган пулимизга ойнак олиб, баҳона билан кўриб ҳам чиқардик.

— Бўпти!

Шокирнинг гапи кўнглимни ёритиб юборди. Апил-тапил кийиндим. Аптекага бордик. Ҳеч ким йўқ экан. Оқ халат кийиб олган сотувчи аёлдан: «Чолларнинг кўзойнагини шу ерда сотадими, хола?»—деб сўраган эдик, аёл индамай қўл чўзди. Шокир шошиб-пишиб ёнидан пул чиқариб узатди.

— Қоғозларинг қани?

— Қанақа қоғоз?

— Ие, ойнакни кимга оляпсизлар, қанақа номери керак, доктор ёзиб бермадими?

— Йўқ.

— Бўлмаса, бориб олиб келинглар,— деди у пулни қайтариб бериб.



— Жон хола, бобом юролмайдилар. Касаллар. Бера қолинг.—Шокир ялина бошлади.—Юраклари сиқилипти.

— Ойнакнинг номерини билиб олмасаларинг тушмайди, ахир!

— Чоллар тақадиганидан бераверинг. Тушади.— Шокир яна гап бошлаган эди, аёл уни бўлди.

— Жуда қизиқ бола экансан-ку, бор-бор, бошимни айлантирма!

Ийгламоқдан бери бўлиб ташқарига чиқдик.

— Ёнимда миқ этмай турибсан-а.— Шокир аёл қувиб чиқарганининг аламини мендан ола бошлади.— Сен ҳам ялинганинда раҳми келиб, берармиди!..

Шу пайт олдимиздан ҳассасини тўқиллатиб бир чол ўтиб қолди.

— Юр. Вали, шу чолга ялиниб кўрамиз,— деб қолди тўсатдан Шокир,— балки олиб берар. Ўзиям Салим бога ўхшар экан.

Чолга етиб олиб баб-баравар салом бердик. Тўхтади у. Алик олди. Олдинма-кейин гапира бошладик. Шокир тез-тез воқинани гапириб бериб турди. Мен гап орасида ялиниб турдим. Чол ўсиқ қошларини чимириб бошдан оёғимизгача қараб, бирпас соқолини тутамлаб ўйлаиб турди-да, орқасига қайтди. Қувонганимиздан икки ёнидан қўлтиқлаб, хотиннинг олдига олиб кирдик. Ўзимиз орқасига ўтиб, яшириниб турдик. Хотин бир даста ойнакни ушлаб, «танлаб ола қолинг», деб чолнинг олдига қўйди-да, ўзи прилавканинг ёнига ўтувди, бирдан бизларга кўзи тушиб қолса бўладими! Қошларини ғалати чимириб қўйди-да, кейин ўзини тутолмай кулимсираб, чолнинг олдига келди.

— Отахон, ойнакни ўзингизга оляпсизми?

— А... ҳа, йўғ-э, мана бу болаларга. Олиб беринг деб ялинишувди. Буларнинг ҳам мен тенги бобоси бор экан. Бетоб эмиш. Олиб берсам, бечора суюнар.

— Отахон, сизни бекорга овора қилишибди-да, бу тирмизаклар,— деди аёл юмшаб,— майли, сиз йўлингиздан қолманг, буларга ўзим танлаб бераман.

— Барака топинг, болам. Болалар хафа бўлмасин. Шуларни хурсанд қилинг, қизим.

— Хўп, отахон, хўп.

Чол чиқиб кетди. Аёл ўйлаб турди-турди, кейин бешта ойнакни қоғозга ўраб:

— Мана буни олиб бориб кўринглар, зора бирортаси

тушса. Қолганини эҳтиёт қилиб, тезда яна қайтариб олиб келинлар. Пулини ўшанда тўлайсизлар,—деди.

Аввал ишонмадик. Кўчага чиққанимиздан кейин орқамизга қарамай югурдик. Ҳаллослаб етиб келдик ҳам. Оёқ учида секин Салим бобоникига кирдик. Қирсақ, кўзларини шипга тикиб, хомуш ётибди. Бизни кўриб қувониб кетди у. Олдига ўтирғизиб, биттадан олма берди. Ойнақдан шунақа ҳам суюндик, унинг ҳаяжонланганини кўриб, ҳатто, кўзимизга ёш келиб кетди. Тақиб кўрган эди — биттаси тушди. Тушганда ҳам қандоқ денг. Ёстиғининг остидан ўша куни мен кўрган китобни олиб, бир бетини шариллатиб ўқиб ҳам берди. Бу китобни ўғли ёзган экан. Ўғли қаерда, бу китобни қачон ёзган, сўрамоқчи эдим, Шокир туртиб қўйди. Кетаётганимизда тузалиб қолди, бирор ҳафталарда кўчага чиқиб қолсам керак, тез-тез кириб туринлар, деб ойнақ учун яна миннатдорчилик билдирди. Иккаламиз ҳам қувончдан оғзимиз қулоғимизга етиб ташқарига чиқдик. Аптекага бордик. Битта ойнакка пул тўлаб, қолганини қайтариб бердик. Қайтиб келаётганимизда катта кўчада дадам билан Шокирнинг адаси яғим машина гишт ортиб келишаётган экан. Бизларни кўриб, машинани тўхтатишди. Машинага чиқиб олдик.

— Нима қилиб кўчада тентираб юрибсанлар,— деб роса койишди. Тутила-тутила Салим бобога кўзойнак олиб берганимизни айтиб бердик.

— Ундай бўлса майли,— деди Шокирнинг адаси ва дадамга қараб чала қолган гапини давом эттирди.— Қиш кезлари эди. Манави Шокиржон қўлида эди унда. Анҳор бўйлаб аллақаердан қайтиб келаётган экан. Чинорнинг олдига келганда тийганиб, анҳорга тушиб кетибди-ю, бола қўлидан учиб кетиб, қирғоқда қопти. Шу маҳал бобойнинг ўғли — шоир ўтиб қолади. Ўзини анҳорга ташлайди. Ҳушидан кетаёзган хотинимни қутқарган-у... бироқ, ўзи нимжон йигит эди.. сувдан чиқолмай... шу... чинорнинг тагида ҳалок бўлган.

— Бе.

— Ҳа... Шу-шу бобой бечора ёлғиз. Эр-хотин қараб турамыз. Бизникига кўчиб чиқинг, отам ўрнига отамсиз, деб кўп ялиндик. Унамади. Ўғли ҳам ўша пайтларда анча таниқли шоир эди. Битта китоби ҳам чиққан. Бир нусхаси ҳали бобонинг ўзида ҳам бор.

— Ким, ада?— қизиқиб сўради Шокир.

— Шу Салим бобонинг ўгли-да, ўғлим. Шу-шу бечора чол чинор тагига супа қуриб, ўтиргани-ўтирган.

— Ада!— деб юборди Шокир титраб. Бироқ машина қаттиқ силкинди-ю, ғиштларнинг бир-бирига урилган овози Шокирнинг товушини босиб кетди. Шокирга қарадим. Худди ҳайкалдек дадасига бақрайиб қопти. Аҳён-аҳёнда киприк қоқиб қўяди. Машина тўхтади. Ғиштларни тушириб анҳор четига тахлаб қўйдик. Билсак, дадам билан Шокирнинг адаси бу ғиштларни чинор тагидаги ўпирилиб кетган супачани қайта тиклаш учун олиб келишган экан. Шунча ялинсак ҳам, «Кеч бўлди, дарсларингизни тайёрланглар», деб уйга киргизиб юборишди.

Кетдик. Боятдан бери ниманидир ўйлаб келаётган Шокир ярим йўлда тўхтаб, ялт этиб менга қаради.

— Юр... Салим бобоникига кирамиз!

— Ҳозир-а?

— Ҳа. Хўп десанг, иккаламиз ундан узр сўраймиз. Уйимизга юринг, деб ялинаман. Мана кўрасан.

— Кўнармикин?

— Кўнади.





## АЖИНАЛАР

### Отамнинг ҳикояси

Чойдан сўнг Наби билан эшакни ҳайдаб сойга кетдик.

Қирғоқда шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган қари тол бор. Бу ер Наби билан менинг жойим. Агар бирортамиз уйда бўлмасак, албатта шу ерда бўламиз. Ўтган ёз толнинг танасига ёпиштириб кичкинагина супача ҳам ясаганмиз.

Эшакни ўтга қўйиб, супачага келиб ўтирдик.

— Боягини кимдан эшитдинг, — сўрадим секин.

— Ҳеч кимга айтмайсанми?

— Йўқ, ўлибманми айтиб.

— Кеча отамнинг олдига бир киши келди, — деди Наби менга яқинроқ сурилиб. — Қоронғи бўлгани учун юзини яхшилаб кўролмадим. Анчагача гаплашиб ўтиришди. Мени уйғоқми ё йўқми, деб туртиб ҳам кўришди. Мен бўлсам кўрпадан қулоғимни чақариб, миқ этмай ётавер-

дим. Бояги киши отамга: «Шарифбой—қулоқ, тезда бунақалар йўқ бўлади», деди. Иннайкейин, шунга ўхшаш гапларни кўп гапирди. Кета туриб: «Босмачилар хўпам таъзирини еди, иккинчи бунақа беадабгарчилик қилишмайди, фақат шуниси ёмон бўлдики, қўрбоши қочди, қўлга тушира олмадик», деди.

«Кўз-қулоқ бўлинг, албатта, узоққа кетолмаган, шу яқин орада бойларнинг паноҳида жон сақлаб юрган бўлса керак. Бирон гап бўлгудек бўлса, хабар қилинг, ўша ерда учрашамиз», деди.

Буни эшитиб оғзим очилиб қолди. Кутилмаган гаплар. Қўрбоши қаерда экан-а. Бутунлай қочган бўлса-я.

Иккаламиз ҳам хаёл суриб анчагача сойга тикилиб ўтирдик.

— Менга қара,— деди бирдан Наби липасидан латтага ўралган иккита қармоқни олиб,— эртага шу ерда балиқ тутсак-чи. Ғуж-ғуж-а.

— Бўпти.

Кечга томон уйга қайтдим. Отам энди даладан қайтиб, декчага олов ёқаётган экан.

— Қаёқда юрибсан, Наби қани? Дадаси қидириб юрувди.

— Сойда эшакни ўтлатдик.

Овқатдан сўнг қалин қилиб уйиб қўйилган бедага шолчани ёзиб жимгина ёта қолдим.

Эртасига кечқурун Наби билан яна сой бўйига балиқ тутгани келдик.

Наби катта тошга чиқиб олди. Мен сойнинг нариги томонига ўтмоқчи бўлдим-у, қўрқдим. У томон кўз илгамас қир, қирнинг қоқ ўртасида эса ташландиқ уй бор, Уни ажинахона дейишади. Ўзи бир томонга қийшайган, кўрсангиз, ҳозир йиқилиб тушади дейсиз. Аммо қаттиқ сел, бўрон ҳам ҳатто битта гуваласини бузолмаган. Уни ажиналар ушлаб туради дейишади. Ҳатто катталар ҳам олдига яқинлашгани қўрқишади...

— Нимани ўйлаб қолдинг,— менга қараб қичқирди Наби.— Ке бу ёққа, бу ерда жой бор.

Бўшашиб Набининг ёнига чиқдим, иккаламиз ҳам сув бетиде қалқиб юрган қармоқдан кўз узмай, анчагача жим ўтирдик.

Ҳадемай тоғ ортидан қалқиб ой чиқди. Атроф худди тонготар пайтидай ғира-шира ёришди. Қир томондан шамол турди. Олис-олидан кишлоқ итларининг ҳуриши,

сойнинг тошдан-тошга сапчиб шувиллашидан юрагим алланечук бўшашиб кетди.

— Наби, кетсак чакки бўлмасди,— дедим,— жуда кеч бўлиб кетди.

— Вой сени қара-ю, битта ҳам тутмай-а.

— Қўрқаётганинг йўқми?

— Нимадан?

Мен қир томонга ишора қилиб қўйдим.

— Сени қара-ю,— Наби хохолаб юборди.— Шундан ҳам... и... и... жим... ана, ана яқинлашяпти... Э, орқага қайтди. Илинай девди-я, ҳуркитиб юбордик. Шундан ҳам қўрқиб ўтирибсанми, ўнта ажина бўлса ҳам қўрқмайман. Утган йили жуда қизиқ бўлган, биласанми... мен... мен... мен...

Наби жим бўлиб қолди. Ҳатто қармоғини сувга тушириб юборди. Оғзини очиб, сойнинг нариги томониغا бақрайганича қотиб қолди.

— Наби сенга нима бўлди, нега индамайсан, Наби, Наби.



— А... а... ж...—  
Наби титроқ қўлла-  
ри билан биқинимга  
турга бошлади.

Мен у кўрсатган  
томонга қарадим.  
Қарадим-у, «дод»  
деб юбордим. Аммо  
овозим томоғимга  
келганда ичимга ту-  
шиб кетди... Ажина-  
хонада алланарса  
йилт этиб ёниб ўч-  
ди... Бир оздан сўнг  
бўғот орасидан ин-  
гичка кўкимтир ту-  
тун буралиб осмон-  
га кўтарилди...

Орадан анча  
вақт ўтгач, бирдан  
қочиш эсимга туш-  
ди. Дик этиб ўрним-  
дан турдим, қармоқ-  
ни ташлаб орқамга  
қарамай югурдим.

Қай томонга кетаётганимни ўзим ҳам билмайман. Икки-  
та тор кўчадан ўтиб, пастак пахса девор олдидан чиқ-  
дим. Лип этиб девордан ошиб нотаниш бир боққа туш-  
дим. Орқамдан Набининг овози эшитилди.

— Тўхта, Адҳам.

Тўхтаб, унинг етиб келишини кутиб турдим. У хал-  
лослаб деворга тирмашиб чиқа бошлади. Қўлидан уш-  
лаб зўрға пастга туширдим.

Қандайдир оғилхонага кўзим тушди. Секин эшигини  
очиб ичкари кирдик, бурчакка бориб биқиниб ўтир-  
дик.

— Эрталабгача уйга кетолмасанг-а.

У худди йиғлаётгандек бир-икки бурнини тортиб қўй-  
ди. Секин эшикдан бошимни чиқариб ташқарига қара-  
дим. Ойдин бўлганидан ҳамма ёқ кафтдек кўзга ташла-  
ниб турарди.

Четдаги катта тутда иккита от боғлоғлиқ турибди.  
Сал нарида ўнтача эшак ўтлаб юрибди. Ҳар бирининг



устига босиб пичан ортилган. Ариқдан кимдир энгашиб сув оляпти.

— Наби,— дедим бир оз ўзимга келгач, унинг ёнига бориб ўтирдим.— Қаерда эканлигимизни биласанми?

— Йў-ў-ўқ.

— Бойнинг майдонида.

— А... йўғ-э, ҳазиличгни қўйсанг-чи.

— Ишонмасанг, ўзинг қара. Бойнинг гаранг хизмат-кори бор-ку, ўша боғда юрибди.

— Холми?—деб Наби ўрнидан туриб кетди.—Юр қочамиз. Бултур бой қулоғимдан чўзганда, ўша қўлим-ни ушлаб турган,— деди жон ҳолатда.

Аста ташқарига чиқдик. Девор ёқалаб энгашиб кетаётган эдик, оёқ шарпаси эшитилди. Орқага ўгирилдим-у, деворга суяниб қолдим. Биздан ўн беш қадамча нарида худди осмондан тушгандай бир киши турарди. Мен уни дарров танидим. Бу бой ота эди. Қочошнинг иложи йўқ. У ёқ-бу ёққа қарай бошлаган эдим, ариқ бўйидаги тутга кўзим тушиб қолди. Наби билан иккаламиз лип этиб унга чиқиб олдик.

Бой кимнидир сўкар эди:

— Ҳароми, ҳали ҳам пичанни элтиб бермадингми,— бой эшакларни қозикдан чиқариб, бирини иккинчисига, иккинчисини учинчисига, учинчисини тўртинчисига боғлай бошлади.— Отлар очдан ўлди-ку.

Хол ниманидир тўнғиллаб сувга кела бошлади. Биз қўрқанимиздан бир-биримизнинг пинжимизга кириб кетгудай бўлиб, шохни чангаллаб ўтирардик.

...Боғдан чиқиб, уйга яқинлашганимизда кўча бошидан иккита от ўқдек учиб кетди. Аллақаерда эшак ҳангради.

Шундан сўнг сой томонга бормайдиган бўлдик.

Наби ҳам бир неча кун кўринмай кетди. Кейин билсам, ўшандан бери бетоб экан. Бир куни кечқурун дадам билан уни кўргани бордим. Наби чайла ёнида, декчага олов ёқаётган эди.

— Наби...— деб юбордим ўзимни тутолмай. У ялт этиб менга қаради. Қучоқлашиб кўришдик, кейин ёнмаён ўтириб, анчагача бир-биримизга сўзсиз тикилиб ўтирдик. У анча озиб қолибди. Доим кулиб турувчи кичкина кўзлари киртайган, ёноқлари бўртиб чиқибди. Қарашлари ҳам худди бехосдан чўчиган кишиникидек ғалати. Ингичка, ориқ қўллари эса ўз-ўзидан титрарди.



— Ушандан берими?— деб сўрадим ерга қараб. У «ҳа» дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

Шақиллаб қайнаб кетган қумғонни олиб, отам билан Қарим амаким ўтирган полиз бошидаги супага томон кетдик. Супага яқинлашганимизда орқасини ўгириб ўтирган чарм камзулли нотаниш бир кишига кўзим тушди. У отам билан Қарим амакимга ниманидир зўр бериб тушунтирарди.

— Ким бу, Наби?— деб сўрадим.

Набининг гапича, бу одам бир марта Набиларникига келиб Шарифбойни қулоқ деган ўша киши экан.

— Қачон уникига борувдингиз?— сўраб қолди бояги киши отамга ўгирилиб.

— Уч кун бўлди чамамда,— деди отам,— бой қўярда-қўймай олиб кетди. Нима гап экан деб борсам, оғилхонага олиб кириб:

— Шу отларимга тақа қоқиб берасан, деб туриб олди.

— Бунда гап бор,— деди бирдан отамнинг гапини бўлиб, чарм камзулли киши.— От худди ўшаларга керак бўлган. Ишонаверинг. Демак, қўрбоши шу яқин орада бўлиши керак...

Мен дарров бойнинг тунги, хизматкорини ҳақорат қилгандаги сўзларини эсладим.

— Тўғри,— гапга аралашди Набининг отаси,— сой бўйидаги туёқ изларига қараганда улар шу яқин орада. Бундан ташқари, хизматкорнинг ўлими-чи.

— Қайси хизматкор,— чўчиб сўради отам.

— Кар-чи, Хол.— Тушунтира бошлади нотаниш киши,— кеча ўлигини сойдан тутиб олишибди. Пешинда кўмдик шўрликни. Изини йўқотмоқчи бўлган, аблаҳ.

— Вой, Холни-я,— деб юборганимни сезмай қолибман. Супадагилар ялт этиб менга ўгирилишди.

— Кел, у ерда нима қилиб ўтирибсан, танишинг,— деди отам нотаниш кишига ўгирилиб,— ўғлим бўлади.

— Қани, қани, йигитча, бу ёққа кел-чи,— деди у ёнидан жой бериб.— Уртоғингни балиқ овига олиб бориб, касал қилиб келибсан-да.

— Сиз буни қаердан биласиз?— деб сўрадим бошимни кўтариб,— ўшанда уни ажина қувлади.

Ўтирганлар кулиб юборишди. Мен бирон беҳуда гап айтиб қўймадиммикан, деб жуда уялиб кетдим.

— Ана холос,— деди бояги киши,— пионер бўла туриб ажинага ишониб ўтирсанг, бу қандоқ бўлди-а.

— Ахир... ахир, қирда... ажиналарни... олов ёқилганини ҳам, тутун чиққанини ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик, тўғрими, Наби?

— Нима-нима, кечаси-я...

— Ҳа...

Чарм камзулли киши қўлларимни ушлаб олди: — Ҳозир... бизни ўша ерга бошлаб бора оласанми?— буни эшитиб юрагим орқамга тортиб кетди. Наби бўлса бўз-райганча супага ўтириб қолди.

— Қўрқма-қўрқма, ўғлим, бирга борамиз,— далда бера бошлади отам.— Шундайми, ўртоқ Қодиров.

— Албатта...

Йўлга чиқдик. Наби билан иккаламиз уларни қир-роқдаги супачага бошлаб келдик. Қодиров катта тошга чиқди. Камзулининг ичида осилиб турган дурбинни олиб қирга қаради. Ҳамма ёқ жимжит. Ёнгил шаббода турди. Хиёл ўтмай узоқдан отларнинг кишнаши, одамларнинг гўнғир-гўнғир товушлари эшитилди.

— Шу ерда аблаҳлар,— деди ҳаяжонланиб Қодиров.— Ҳозир яқинлашиб бўлмайди. Ҳаммаси уйғоқ. Кундузи ухлашса керак. Тонгда қўлга оламиз.

— Ажиналарни-я,— кўзларим катта-катта очилиб кетди. Отамнинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим.— Юринг кетамиз, юринг.

— Қўрқма, ўғлим, ажиналарни ушлаймиз,— деди Қодиров. У эркалаб елкамга бир-икки уриб қўйди. Сўнг отамга жиддий:

— Сиз шу ердан жилманг,— деб тайинлади.— Кўз-қулоқ бўлиб турунг, хўпми. Мен тонггача йигитларни бошлаб келаман.

Тонготар пайтида Қодиров бошлиқ ўнтача отлиқ қизил аскар келди. Улар сойнинг саёз жойидан оҳишта ўтиб, ажинахонани ўраб олишди. Бирпасда қий-чув бошланди, ўқ товушлари эшитилди. Қимдир қаттиқ қичқирди. Бир оздан сўнг, худди сув қуйгандек, яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас икки отлиқ бизнинг олдимизга келди, уларни Қодиров юборибди. Бизни отларга мингаштириб, сойдан олиб ўтишди.

— Қани, йигитчалар, ажиналарни кўряпсизларми?— деди Қодиров ажинахонага бошлаб,— юраверинглар, юраверинглар.

Қўрқа-писа ичкарига кирдик. Девор олдида олтита

саллал киши қўлини осмонга кўтариб турарди. Уйнинг бурчагида эса улардан тортиб олинган қурол-аслаҳалар.

— Вой, бой ота-ку,— қичқириб юборди Наби.

Ҳақиқатан ҳам бир кўзини қора латта билан боғлаб олган, семиз, баҳайбат қўрбошининг ёнида бой ота ўтирарди: у Наби билан менга ер остидан бир ўқрайиб қўйди.

— Хўш, энди ажинадан қўрқмайсизми?— деб сўради Қодиров.

— Йўқ,— жавоб бердик.

Бир оздан сўнг босмачиларнинг қўлларини орқаларига боғлаб, ҳайдаб кетишди. Биз отлиқ қизил аскарларни анча ергача кузатиб қўйдик.





## БИР ЧАҚМОҚ ҚАНД

*(Испан болалари ҳаётидан)*

У Гарри Гран Вия Лайетана кўчасига жойлашган транспорт контораси олдига келганда юлдузлар биринкетин сўниб, атроф ғира-шира ёриша бошлаган эди. Перико у ёқ-бу ёққа аланглаб, физиллаганича кўчанинг нариги бетига ўтди: бир оз юрган эди, кимдир чақирди.

— Перико, тўхта, мунча шошилмасанг.

Перико орқасига ўгирилди. Унинг қаршисида ўзи каби жулдур кийимли, эти суягига ёпишган, чиллакдек ориқ, катта-катта кўзлари уйқусизликдан киртайган бола турарди. Бу унинг дўсти Албертто эди.

— Қалай, ойинг тузукми, доктор нима деди?

— Ширалик есин, меъдаси сусайган дейди. Кечадан бери қидириб, бир чақмоқ қанд топа олмаяпман.

— Қандмиш-а,— Албертто истехзо билан кулиб қўйди. Унинг оппоқ тишлари негадир шу топда Перикога қандни эслатди.

Албертто бир оз хаёл сургач, ялт этиб Перикога қаради.

— Биласанми, бугун-чи!.. Бугун топган чақамизни қўшиб, боққолникига бориб кўрамиз.

Кўчадан бирин-кетин юк машиналари ўта бошлаши билан иш кутиб тротуарларда, ахлат яшиклари ёнида мудраб ўтирган оч, жулдур кийинган болалар контора эшиги олдига йиғила бошлашди.

Шу пайт катта темир дарвоза ёнидаги кичик эшикдан паст бўйли, семизлигидан кўзлари юмилиб кетган бир киши чиқди. Болалар «дув» этиб уни ўраб олишди.

— Амаки, ишингиз борми?..

— Амакижон, менга иш беринг, укам касал..

Бояги киши бир ўшқириб берган эди, чумчуқдай чуғурлашиб турган болалар жим бўлиб қолишди. У ўнга яқин тетикроқ болани танлаб олди-да, ичкари томон юра бошлади.

Албертто ўртоғига, орқамдан юрвер, дегандек кўзини қисиб қўйди Перико тўдага қўшилиб олди.

— Ҳой, сен қаерга суқилияпсан, шум, йўқол!— деб қичқирди бояги киши ва жон-жаҳди билан Периконинг елкасидан ушлаб итариб юборди.

— Амаки, унга ҳам иш беринг... ойиси касал,— ялинди Албертто.

— Учир овозингни, ит. Бўлмаса, сени ҳам ҳайдаб юбораман.

— Перико, қидириб кўр-чи, бирон иш топилиб қолар.— Албертто Перикони юпата бошлади.— Кечқурун шу ерда кўришамиз, хўпми...

Перико ахлат яшигининг ёнига келиб, бошини ингичка қўлларига тираганича узоқ ўтириб қолди. Шу аҳвол-



да қанча ўтирганини ўзи ҳам билмайди. Аҳён-аҳён у чўчиб кетиб, бошини кўтариб қўяди. Шундай кезлар худди биров: «Ҳой бола, мана буни уйимга элиб бер, хизмат ҳақингга қанд оласан», деяётгандек бўлади. Бола қувонч билан атрофга жавдирайди-ю, ҳеч ким йўқлигидан умидсизланиб, бошини эгади. Яна алдоқчи ширин хаёл унинг фикрини узоқ-узоқларга олиб кетади. Бир чақмоқ қанд. Бир чақмоқ қанд...

У шу бугуноқ қанд топиб, уйига олиб боради. Ойисига қанд чой қилиб беради. Ойиси эрталабгача соғайиб кетади. Ана унда... Айтгандек, қанднинг мазаси қа-



нақа эди. У бир неча марта тамшанди, қалин лабларини ялаб, қулт этиб ютинди...

У ўзини бир оз юпатиш учун атрофни кузата бошлади.

Қаршисидаги ахлат яшигининг олди ҳар кўндагидек гавжум. Худди янги тўкилган донга ёпирилган жўжалардек, қовурга сўяклари кўриниб турган, афт-башараси кир беш-олтита бола бирон нарса топиш умидида яшикни тинтирди.

Перико ўрнидан турди, иш кидириб шаҳар кўчаларини кеза бошлади. Икки-уч соат айлангач, иш топишдан бутунлай умидини узди. У қайтиб, темир дарвозага етган ҳам эдики, кимнингдир қичқирган товуши эшитилди. Перико аланглаб атрофга қаради.

— Вой, афтинг қурғур-эй,— кўчанинг у бетида ҳаворанг шляпали, семиз бир хоним қаршисида яшикка сўя-

ниб турган ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги болани қўлидаги зонт билан туртиб овозининг борича ўшқирарди:— Кўтаролмасанг, нима қилиб олдинг, а!

— Холажон, жон холажон, урманг,— йиғи аралаш гапирарди бола,— озгина дам олай, элтиб бераман. Албатта элтиб бераман, оз қолди-ку...

— Оббо, пес-эй, ҳали тилинг ҳам борми. Йўқол кўзимдан, исқирт.— Хоним болани итариб юборди. Шу пайт унинг кўзи Перикога тушиб қолди.— Сен нима қилиб турибсан, қаққаймай ўлгур!.. Кел!

Перико қўрқа-писа унга яқинлашди.


— Мановини кўтариб, кетимдан илдам-илдам юр.

Перико яшиқни аранг елкасига қўйди. У олдинда пишиллаб кетаётган хонимнинг кетидан битта-битта қаддам ташлар экан, негадир бояги боланинг докадек оқа-



Онага ўглининг меҳрибонлиги қаттиқ таъсир этган эди. У дармонсиз бошини Перико томон буриб, жилмайишга ҳаракат қилди.

Периконинг чеҳраси очилди. Унга аранг милтиллаб турган пилик чироқ ҳам ёруғроқ бўлиб ёна бошлагандек туюлди.





## МУНДАРИЖА

Бочка . . . . .	3
Текшириш керак . . . . .	9
Тойча . . . . .	13
Чинор . . . . .	19
Ажиналар . . . . .	28
Бир чақмоқ қанд . . . . .	36

Ўрта ёшдаги болалар учун  
*На узбекском языке*  
ЛАТИФ МАХМУДОВ  
Ч И Н А Р  
Рассказы

Издательство „Ёш гвардия“—Ташкент—1961

Редактор *Н. Турмухаммедов*  
Расмлар редактори *К. Назаров*  
Техн. редактор *В. Кузнецова*  
Корректор *Э. Миробидов*

\* \*

Босмахонага берилди 11/IV-1961 й. Босишга рухсат этилди 10/VII-1961 й.  
Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 1,375. Шартли босма листи 2,31. Нашр.  
лишти 2,37. Р. 09964. Тиражи 20 000.

„Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 3-61.

\* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиэдатининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза  
кўчаси, 21. 1961 й. Заказ № 1049. Баҳоси 7 т.